

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН  
КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**748 Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил  
24 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2236-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5016-сонли «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги 419-сонли «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2011 йил 17 майдаги 01/19-18/02-сонли қарори (рўйхат рақами 2236, 2011 йил 10 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 24-сон, 252-модда) билан тасдиқланган Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис**

**Р. ГУЛЯМОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 6 июль,  
01/19-10/14-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*

Ўзбекистон Республикаси  
Хусусийлаштирилган корхоналарга  
кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш  
давлат қўмитасининг 2017 йил 6 июлдаги  
01/19-10/14-сон қарорига  
ИЛОВА

**Риэлторнинг малака сертификатини бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банддаги «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 3-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

748-модда

— 322 —

30 (790)-сон

Риэлторнинг малака сертификатини  
бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
киритилаётган ўзгартиришларга  
ИЛОВА

«Риэлторнинг малака сертификатини  
бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА



**О‘zbekiston Respublikasi Xususiylashtirilgan  
korxonalarga ko‘maklashish va raqobatni rivojlantirish  
davlat qo‘mitasi**

\_\_\_\_\_ - sonli

**RIELTORNING MALAKA SERTIFIKATI**

3 x 4

Toshkent sh. \_\_\_\_\_  
(berilgan vaqti)

О‘zbekiston Respublikasi Xususiylashtirilgan korxonalarga ko‘maklashish va  
raqobatni rivojlantirish davlat qo‘mitasi tomonidan

\_\_\_\_\_ (kimga — rieltorning F.I.O.)

\_\_\_\_\_ (rieltorning malaka sertifikatini berilgan sana va amal qilish muddati)

Pasport ma‘lumotlari: \_\_\_\_\_

Vakolatli shaxs \_\_\_\_\_  
(F.I.O.)

Muhr o‘rni \_\_\_\_\_  
(imzo)

Rieltor malaka sertifikatining muddati 20\_\_ y. «\_\_» \_\_\_\_\_ dan  
20\_\_ y. «\_\_» \_\_\_\_\_ gacha uzaytirildi.

Imzo \_\_\_\_\_ Muhr o‘rni ».

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.*